



ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИДА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МАҚОЛАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Зулайҳо Зарфуллаева

*«Иссиқлик электр станциялари» АЖ
матбуот хизмати етакчи мутаххаси*

Аннотация: *Мақола Беҳбудийнинг журналистик фаолияти, бу соҳада босиб ўтган шарафли умр йўли ва бугунги оммавий ахборот воситалари учун публистик асарларининг эътиборга молик жиҳатларини очиб беради. Қолаверса, унинг улкан адабий меъроси ва маърифатпарварлиги йўлида олиб борилган бир қатор изланишлар билан бўлишамиз.*

Калит сўзлар: *жадид, мустамлака, зуллисонан, мақола, маърифатпарвар.*

Дастлабки жадид матбуоти сифатида Исмоил Ғаспиралининг 1883 йил нашр этилган “Таржимон” газетасини келтирадиган бўлсак, ўз вақтида ушбу газета бутун туркий дунёга ёйилиб, Туркистондаги Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши мақолалари билан ўлкада ўзликни англашни бошлаб берди.

XX асрнинг биринчи ва иккинчи ўн йиллигида Ўзбекистонда асосий эътиборни миллий тараққиётни таъминлашга қодир маърифатли инсонларни тарбиялашга йўналтирилган хусусий, миллий газета ҳамда журналлар юзага келади. Булар – “Хуршид”, “Садои Туркистон”, “Самарқанд”, “Ойина” ва бошқалар.

Жадидшунос олим Бегали Қосимов “Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик” китобида қайд этганидек, *“жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашигача бўлган қизғин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилади”.*

Жадидлар (яъни маҳаллий маърифатпарвар кучлар) миллий газета чиқариш учун ҳаракат қилдилар. Натижада Исмоил Обидов муҳаррирлигида, 1906 йил 27 июндан “Тараққий” газетаси пайдо бўлади. Дастлабки вақтда зиёлилар мазкур газетага алоҳида қизиқиш билан қарайдилар. Афсуски, уларнинг мазкур газетадан кутган нарсалари юзага чиқмайди ва тез орада у нашрдан тўхтатилади.

Аммо ана шу қисқа вақт ичида мазкур газета дадил туриб, маҳаллий халқлар манфаатларини ҳимоя қилишга уринади. Ҳукуматга бўлган муносабатини билдиради. Газета саҳифаларида эркинлик ва озодлик ғоялари туғилади. Шу сабабдан мустабид ҳукумат нашрни тўхтатади.

1909-1913 йиллар давомида Россия Империясида мустамлакачилар томонидан деярли барча жадид матбуот нашрлари ёпиб ташланади. Жадид намоёндоларига қаратилган таъқиблар авж олади.



Жадид маърифатпарварларининг ғояларини тарқатувчиси бўлган ушбу газеталар бутун Туркистон халқи томонидан қизғин қарши олинган эди. Абдулла Авлонийнинг “муллалар газет ўқувчиларни “жадидлар” деб атардилар” деган сўзларидан ҳам газеталарнинг ўша даврдаги мавқеини билиш мумкин.

1913 йилга келиб ниҳоят, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг “Самарқанд” газетасини нашр этиш учун рухсатнома олади. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45-сонидан сўнг газета чиқарилиши моддий танқислик туфайли тўхтаган. Сўнгра Беҳбудий шу йилнинг 30 августидан “Ойна” журналинини чиқара бошлайди. “Ҳафталик, суратлик бу мажалла, асосан, ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеър, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб борилади. Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди... Жадидларнинг севиқли журналлари эди...” деб ёзган эди Зиё Саид.

“Ойна” журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқи, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масаласи муҳаррирнинг ҳамиша диққат марказида турди. Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Журналнинг 1913 йил 13 август биринчи-нишона сонидаёқ “Икки эмас, тўрт тил лозим” деган мақола билан чиққан эди. Мақола номидан кўриниб турибдики, муаллиф кўп тилни билиш ҳар бир туркистонлик учун шартлиги ва шу орқали дунёга чиқиш мумкинлигини уқтиришга ҳаракат қилади. Беҳбудий ҳар бир миллат ўзбек тилидан ташқари, форс-тожик, араб, рус ва ҳатто Европа тилларидан бирини билиши кераклигини таъкидлайди.

Мақоланинг айна долзарблиги шундаки, у неча замонлар ўтсада ёшлар орасида муҳокама мавзуси бўла олади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида кўпгина йўналишлар олдидан бевосита *замонавий* сўзини ишлатиш урфга кирди. Мисол қилиб айтадиган бўлсак: замонавий ўқитувчи, замонавий шифокор, замонавий ошпаз, замонавий ота-она ва шу қаторида замонавий журналист. Имкониятлар тўлиб-тошган шиддатли замонда ҳамма тезкорликка ўрганган, кутишга сабр йўқ. Гўёки вақт ҳам аввалгидан анча тезлашгандек. Ушбу тезкор замонга монанд истеъмолчилар ҳам барча нарсани замонавий бўлишини ҳохлайди. Журналистика соҳасида ҳам урчиб бораётган бу жараён ажабтовур йўналишларни очиб беряпти. Афсуски ўсмирларнинг орасида енгил-елпилик ҳамда савиясизликка йўғрилган блогерлик ва вайнчилик авж олмоқда. Масаланинг иккинчи томони борки бу илм олиш иштиёқмандлари учун ҳар вақт ва ҳар манзилда бирдек мос келади. Беҳбудийнинг “Икки эмас тўрт тил лозим” мақоласи ҳам айна бугунги давр талабига мос, балки юз йил ўтсада замона ёшларига шу аснода талқин қилинар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий айтадики, Туркистон ўлкасида жуда қадимдаёқ уч тил амал қилган. Ушбу тилларнинг бир-бирига таъсири мактаб ва мадраса



асарларида ҳам кўринади. Шу боисдан, Маҳмудхўжа Бехбудий бу ҳолатга ачиниб, уни ислоҳ қилиш кераклиги ҳақида ёзади.

Шу мақолада Туркистон шаҳар ва қишлоқларида яшовчи аҳолининг тили қайси тил эканлиги хусусида ҳам диққатга молик фикрлар юритилган. Олимнинг кўрсатишича, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида форсча сўзлайдиган шаҳар ва қишлоқлар бор. Бухоро шаҳри аҳолисининг тили ҳам форсчадир. Маълумки, турк-форс икки тиллиги тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Бу хусусда мақолада қуйидагича фикрлар баён этилади: “Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни таҳсилсиз билурмиз. Ҳар туркни форсий ва ҳар форсни туркий билмоғи лозимдур”. Бундан ташқари, мақолада рус ва фаранг тилларини ҳам билиш кераклиги ҳақида эътиборга лойиқ фикрлар мавжуд. Мақолада бу хусусда қуйидагиларни ўқиймиз: “Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур...”. Хорижий тилларни билишни Маҳмудхўжа Бехбудий сиёсий масала даражасига кўяди.

Мана бу жараён Ўзбекистоннинг айна талим тизимига хорижий тилларни кўшиш, ҳар бир соҳа вакиллари учун русий ва овропа тилларини билиш мажбурийятга айлантирилаётган сиёсий жараёнимизга нечоғлик мос келмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ҳам мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустақам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим, – деган фикрларини илгари сурмоқдалар.

“Ахборот асри”нинг шарофати билан чек-чегарасиз имкониятлар қаторида жавоби, чораси осон топилмайдиган замонда журналистика – тўртинчи ҳокимиятнинг ўрни яққол сезилади ва бу ўз навбатида энг ишончли манбаа бўлиб хизмат қилмоқда. Кўп тилларни билиш, замон билан ҳамнафас бўлиш журналистиканинг ҳозирги босқичларида қай йўсинда кечмоқда?

Дунё бўйича эътибор бериб қарасак, оммавий ахборот воситалари катта куч эканлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда бу соҳада тизимли ислохотлар олиб борилди. Аввало, очиқлик, тўғри ва холис ахборотни эркин айта олиш имкони берилди. Шунингдек, нафақат журналистга, балки жамиятдаги ҳар бир шахсга сўз эркинлиги, гапириш ҳуқуқи, ўзининг шахсий фикрини эркин ифодалай олиш ҳуқуқи берилди.

Бугунги кунда ёшларимиз орасида журналистика соҳасига қизиқаётганлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу қувонарли ҳолат. Чунки соғлом рақобат вужудга келади. Аввало, бу соҳага энди қадам қўяётган киши креатив, янгича фикрлайдиган бўлиши, халққа бераётган маълумотига аввало ўзи ишониши керак. Бир фикр устида кўпроқ ўйлаши, меҳнат қилиши лозим. Журналистика



соҳасига қадам қўяётган ёшлар тезроқ танилишни, омма эътиборига тезроқ тушишни хоҳлайди. Шунинг учун телевидение соҳасига ўзини уради, ташқи кўринишига эътиборни кўпроқ қаратади. Аммо бу соҳада яхши матн ёзишни ҳам билиши керак. Кўпроқ ўқиши, халқ билан мулоқот қилиши, киришимли ва холис бўлиши лозим. Қолаверса, кўпроқ тил билиши лозим. Бу фикр алмашиш, янада кўпроқ ахборот олиш ва солиштириш имконини беради. Шу сабабдан ҳам, инглиз тили, рус тилини билиш аста-секин мажбурийлик даражасига кўтариляпти. Ёшларнинг иш билан таъминланишида ҳам ушбу омиллар инобатга олиниб, қўшимча устунликлар бериляпти. Шахсий фикр сифатида айта оламанки, бизнинг ёш истеъдодлар орасида халқаро стандартларга жавоб берадиган, илмли ва зуллисонан ёшлар бор. Масалан, “Менинг юртим” телеканали бошловчилари Амирхон Умаров, Хилола Исакова, “Севимли” телеканали мухбири Чарос Лутфуллаева ва шу каби иқтидор эгалари мавжуд.

Бугунги кунда ОАВлар давлат, халқ учун ҳар доимгидан ҳам кўпроқ кераклигини, жамиятда ўрни мавжудлигини барча тан олмоқда. Бундан ташқари, бу соҳада турли хиллик вужудга келди. Авваллари бир фикр айтилса, аксарият инсонлар шу фикрга ишонишган, таҳлил қилишмаган, қарши фикр айтилмаган. Ҳозирда эса барча бу фикрга турли ракурслардан қараб, ўз сўзини турли хил кўринишда айта оляпти, ўз тақлифларини билдирыпти. Бу орқали ахборот оламининг ранг-баранглигини кўрсатиб беряпти. Албатта, бунда меъёр, холислик биринчи даражада туриши лозим. Бу соҳага давлат раҳбарининг шахсан ўзи эътибор қаратгани, уларнинг манфаатларини, шахс дахлсизлигини таъминлашга оид чиқараётган қонунлари ҳам бу соҳага янги нафас, янги руҳ кирганидан далолатдир. Бунинг таг замирида эса мана шу соҳага ўзини бағишлаган илми толибларнинг меҳнати ётади. Беҳбудий ҳам сўз ва фикр озодлиги йўлида ўзини фидо қилган маърифатпарварлардан эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Туркистондан ташқаридаги вақтли матбуот нашрларидаги фаолиятини тадқиқ қилиш давомида унинг ҳозиргача номаълум бир неча мақолалари топилган. Улардан бири Абдурашид Иброҳимов томонидан нашр қилинган “Ислом дунёси” журналида чоп этилган “Туллоби киром”¹, яъни “Азиз талабаларга мурожаат” мақоласидир. Мақолага “Самарқанд – Маҳмудхўжа Беҳбудий” имзоси қўйилган. Ушбу мақолада Беҳбудий асосий урғуни мадраса талабалари таҳсил олаётган дарсликлар мазмун-моҳиятини англаштиришга, янги давр талабаси янги фикрлар берадиган замонавий дарсликлардан ўқиб ўрганишларига қаратган. Бу мақолада муаллиф замонда тенглар билан бир сафда қадам ташлаш учун 500 йил олдин ёзилган асарлардан эмас, дунё кашфиётлари, ихтиролари, янги фикрлари билан суғорилган янги илмий асарлар яратилиши ва улар асосида талабаларга таҳсил берилиши кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Беҳбудийнинг ушбу фикрлари ҳозирги замон таҳсили учун қанчалик мос келади.

¹ Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Туллоби киром // Ислом дунёси, 1913. – №16. –Б. 252-254



Бугун жамиятда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ҳақида гапириш баайни кислороднинг инсон онг-шуурига, қонтомирларига фойдаси хусусида сўз юритиш билан баробар. Инсоният ўз тамаддуни мобайнида яратган энг катта кашфиёт алифбо бўлса, тараққиётни таъминлашнинг, бутун жамият ва алоҳида олинган ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул ва узоқ синовдан ўтган воситаси ОАВ бўлиб қолаверади. Ахир бежиз бутун дунёда айнан матбуот “тўртинчи ҳокимият” сифатида эътироф этилмаган!

Беҳбудий ҳам инсонлар онгига мана шу ҳақиқатни сингдириш йўлида ижод қилган. ОАВнинг айнан матбуот йўналиши балки бизнинг давлатимизда қадрини йўқотгандек туюлар, лекин ривожланган мамлакатлар учун энг керакли унсурлардандир. Улар нонуштада, тушликда ва кечликда газета мутолаа қилишади, улар автотранспортларда газеталардан фойдаланишади ва шу сабабдан ҳам улдарга талаб юқори. Беҳбудий ўша давр одамлари дунёқарашига мос масалаларни матбуот ёрдамида кетма-кетликда бера олган. “Самарқанд” газетасининг илк сонларида “Газета нима?” (“Газет чист?”) (“Самарқанд” газетаси 4-сон) сарлавҳасида мақолалар эълон қилингани бежиз эмас. Сабаби, кўпчилик маҳаллий аҳоли учун ноодатий бўлган газетанинг ўзи ҳақида тасаввур шакллантирмай туриб, мураккаб масалалар ҳақида ёзиш ноўрин бўлган бўларди. Аммо у одамлар дунёқараши ўзгариши, тараққий этиш учун узоқ йиллар керак деган фикрдан узоқ бўлган. Бу фикрни газета саҳифаларида халқаро сиёсат (“Муҳораба нима бўлди?”, “Болқонми, вулқон?”, “Румониёнинг кучи”, “Сулҳ шартномаси” каби мақолалар), сиёсий-ижтимоий (“Ким эшитадур?”, “Сарт” сўзи мажҳулдир!” “Миллатлар қандай тараққий этарлар?”, “Бизни кемирувчи иллатлар” каби мақолалар), тарих ва география (“Мирзо Улуғбек”, “Адрна”, “Тарихи Ҳиндустон”, “Шердор”, “Туркистон”, “Самарқанд” сўзи хусусида каби мақолалар), ижтимоий (“Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Мулоҳаза” каби мақолалар), иқтисодий (“Маида қарз”, “Ўқувчиларга ёрдам керак” каби мақолалар), ҳуқуқий (“Мактабларга рухсат олмоқ тариқаси”, “Амалдорлар сайловини тасдиқлаш тўғрисида”), аниқ илмий тушунчалар (“Жуғрофия чист?”, “Ер”, “Тарих ва жуғрофия”, “Офтобнинг сатҳи”, “Қамар-Ой”, “Ҳаво” каби мақолалар) ҳамда диний (“Ҳуқанддан мактуб”, “Кийим ва ташаббух масаласи”, “Таҳсил ва сафари замон ва таом” каби мақолалар) масалаларига оид эълон қилган мақолалар ҳам исботлайди.

Беҳбудий ёзган мақолаларни таҳлил қилиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, газетачилик орқали унинг ягона “манфаати” ва мақсади “... халққа ўша замоннинг энг муҳим ҳодисаларини тушунтириш, миллий туйғу нималигини англатиш, миллий манфаатни шахсий манфаатдан устун деган тушунчани сингдириш”дан (Дўстқораев Б. “Ўзбекистон журналистикаси тарихи”. Т.: Ғ.Ғулом номидаги матбаа-нашриёт уйи. 2009. 187-б.) иборат бўлган.



Янги Ўзбекистондаги янги ислохотлар даврида оммавий ахборот воситалари яна ўз вазифасини ҳалол бажаришга тараддудланмоқда. “Тўртинчи ҳокимият” истилоҳига келсак, уч ҳокимият нима қилади: қонун чиқарувчи ҳокимият – давлат ва жамият фаолиятига асос бўладиган қонунларни ишлаб чиқади ва қабул қилади, ижро ҳокимияти ва халқ шу қонунлар асосида ишлайди, яшайди ва фаолият юритади, суд ҳокимияти давлат мансабдорлари ва халқнинг қонунларни бузган ҳолларига ҳакамлик қилади ва жазо беради. «Тўртинчи ҳокимият» – оммавий ахборот воситалари эса бу учта ҳокимият ва жамиятнинг ҳаётини шаффофлаштиради, уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишларига кўмаклашади, камчиликларини ошкор қилади, муаммоларининг ечими сайловларда қатнашганда, тафаккур билан овоз бериши учун жамоатчилик фикрини шакллантиради. Матбуотнинг ҳокимияти – халқ фикрига таъсир ўтказа олиш кучидадир.

Хулоса ўрнида шуни айта оламизки, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаммаси бўлиб 44 йил умр кўрди. Шу 44 йилда драматургияга, жадидлар ҳаракатига асос солди, Ўзбек публицистикасига асос солдилар, янги мактабларга асос солди, янги дарсликларга асос солди. 44 йилда бунчалик кўп нарсага эришиш учун инсонда катта мақсад, жуда катта талант, жуда катта ватанпарварлик бўлиши керак. Демак унда буларнинг барчаси бўлган. Беҳбудийнинг ҳаёт йўлининг ўзи биз учун катта мактаб, катта илм. Мақола ва китоблари нафақат журналистика балки бошқа соҳа вакиллари учун ҳам бирдек асқотадиган дастуриламал бўлиб хизмат қилади.